


## Бугун АҚШда очик масжидлар куни ўтказилмоқда



11:00 / 18.05.2019 1552

Дунё бўйлаб исломофобия масаласи кескинлашиб бораётган бир пайтда америкалик муслмонлар Рамазон шарофатидан фойдаланиб, жамоатчилик билан турли тадбирлар орқали ўзаро бир-бирини тушуниш ва алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бугун АҚШнинг 25 та штатининг 40 та жойида «Очиқ масжидлар куни» ўтказилмоқда. Бу ҳақда USA Today нашри хабар беради. Тадбирдан мақсад, аввало инсонларни Рамазон ифтори билан сийлаш, шунингдек, улар билан юзма-юз учрашиб яқиндан танишиш, ўртадаги тушунмовчиликларни бартараф этишдан иборатдир.

**Islom.uz портали таҳририяти**